

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА

Қачон, қай кун Татьянабону
Кириб келди кўнгли тубига?
Ул шимоддан эсгин сабони
Ухшатурман Кумушбибига.
Бу ўзбекдир гарчи, у русдир,
У ҳам маънос, бу ҳам маъносдир.
Фақат бири Офтобнинг қизи,
Бири салқин еллар синглиси.
У ҳам ёзур, бу ҳам ёзур хат,
Фақат, фақат, кеч бўлса ҳам, рост,
Фалак чаппа айланиб бироз,
Татьянага бош урибдир бахт.
Фалак чаппа айланиб хиёл,
Кумушбиби топмишдир завол
Онегинман — дунё номарғуб,
Йўл йўқдир кўз юмишдан бўлак.
Отабекман — вужуди мағлуб,
Ер топмасдан Кумушдан бўлак
Йўқ! Оламни севибман, лекин
Мен эмасман, демак Онегин.
Йўқ! Тирикман, юрибман-ку тек,
Мен эмасман, демак Отабек.

Мирзо КЕНЖАБЕК



Х. МАМАТҚУЛОВ сурати

УШБУ СОНДА:

НОРМУРОД МУСОМОВ:

УН ЕТТИ ОЧУННИНГ ОНАСИ

СОБИР ТУРҒУНОВ:

ТИЛОВАТ

РАВШАН ОТАБОЕВ:

ТУТНИНГ БОШИДАГИ БОЛА



КЕЙИНГ СОНЛАРДА:

ТЎЛҚИН ТОЖИЕВ

**БАХТ — ЮРАК ТУБИДА
АЛЛАЛАНГАН ОРЗУ**

МУҲАММАДКАРИМ СОИПОВ:

**МЕН ҲАММАДАН ЗУР
АЙТАМАН**

ТОМДАГИ АЁЛ

Маъмуржон Узоқовни Тошкентда Аҳмаджон заргар деган ўртоғи бўлган. Заргарнинг қизиқ одати — топганининг ярмини санъаткорларга едириб ичирмаса кўнгли ўрнига тушмас экан. (Ҳамма замонларда ҳам санъат шайдо-си бўлган бойлар яшашган.) Бир куни Маъмуржон ака уч-тўртта ўртоқлари билан бирга Жўраҳон Султоновни ҳам бошлаб заргарниқига меҳмондорчиликка олиб борибди. Зиёфат жуда кўюк бўлиб, ҳамманинг кайфи чоғ бўлганда, навбат қўшиққа келибди-ю, Маъмуржон ака устани ҳурмат қилиб:

— Жўраҳон ака, ўзларидан бир жуфт эшитсак, — деб қолибди.

— Э, қўй, мани қийнама, қўшиқ ҳам жонга тегди, шундай суҳбатлашиб ўтирайлик, — деб шартта кесиб қў-

йибди. Қолган меҳмонлар илтимос қилишса ҳам бўлмабди.

— Майли, мен устанинг феълларини биламан. Агар бир айтмайман десалар айтмайдилар. Суҳбатни совутманг, заргар, — дебди-ю, Маъмуржон ака ташқарига чиқиб кетибди. Бир оз суҳбатлашиб ўтиришгач, Жўраҳон аканинг кўзи қўшни ҳовлидаги томда ўтирган, атлас кўйлак, атлас лозим кийиб, бошидаги шол рўмолининг бир учини тишлаб олган аёлга тушибди. Аёл ҳам тўри унга қараб ўтирган эмши. Бундан тўлқинланиб кетган Жўраҳон ака қўлига бир, лиқобчани олиб:

— Қара, аёлларимизам жуда санъатни севади-да, Жўраҳон ака келибди деб томга чиқиб ўтирибди. Келинлар шу аёл учун бир

жуфт ашула қилиб берай, — деб бир айтганда ўн иккита ашула айтибди. Ун иккинчи қўшиқдан кейин ҳалиги аёл секин пастга тушиб кетибди-ю, бир оздан кейин Маъмуржон ака кирибди:

— Ҳа, уста, айтмайман деб эдингиз-ку, нечук айтиб юбордингиз?

— Ҳе Маъмуржон, шундай меҳмондўст одамнинг хонадониде, бунанқа улфат йигитларнинг даврасида айтмай бўлар эканми? Айтаман-да Маъмуржон ака қаҳ-қаҳ отиб кулиб:

— Заргарнинг хотинининг атлас кўйлак — лозимини кийиб томга чиқмаганимда айтиб бўлсиз эди! — дебди.

— Э, қилиги совуғай, оёғинингнинг жундан гумон қилувдима, — деган экан.

Турсун Али МУҲАММАД

ҲОКИМЛАР ҲОТАМТОЙ БУЛСА...

Қамаши тумани ҳокимининг фармойиши билан шу ҳудуд аҳолиси вилоят марказига арзон уловда бориб келадиган бўлди. Арзон улов деганимиз — ҳукуматнинг 50 км.дан ошмаган месофаларга бир хилда юрвучи юрарларидир. Худди шу йўналишдаги автобус билан Чирочқи тумани аҳолиси ҳам қатнаш имкониятига эга. Йўл ҳақи одатдагидан 4 баробар арзон — 90 сўм.

ҲАШАР-ИЖОДКОРГА ЯРАШАР

Ўзбекистон овозининг муҳаррири Анвар Абдували ўғли «Бодомзор» даги ҳовлисида ҳашар уюштирди. Асосий хизматчилар — ижодкорлар бўлди. Ҳашарда ЎзАдан Қулман Очил, «Туркистон» газетидан Аҳрор Аҳмадлар ҳам бошларига рўмон тангиб «терла-аб» ишлашди, деб хабар беради «ишга кечкииб, ошга етиб» борган мухбирлардан бири.

АМИР ТЕМУР ХИБОНИ

Шу кунларда пойтахтнинг Марказий хибонида Амир Темур номидаги бог барпо этилаётир. Соҳибқиронга ёдгорлик ўрнатилиб, ниҳоллар экилмоқда. Дарвоқе яна, метронинг «Марказий хибон» бекати — «Амир Темур» хибони деб юртилмайдиган бўлди. Қўтлуғ кун — Муस्ताқиллик байрами яқинлашаётган пайтда бу тадбир бир сабога минг сабоб қўшса, не ажаб.

ШОИРНИНГ ҚЎШ БАХТИ

Ниҳоят, «дунёнинг тўрт тарафига сочилиб кетган миллат» вакилларида бири, шоир Эшқобил Шуқурга кўнглидай кенг — уч хонали уй берилди. Эшқобил ака хурсанд. Чунки шу кунларда кўш бахтни қўшди, ўғил кўрди, унга Эломон дебон исм қўйди. Энди би-ир «Ўзидан кечиби» ўғил ва уй тўйи қилиб бермоқчи.

ЎЗИМИЗНИНГ СОНЯ-ДА!..

Таҳририятимизга тавозе билан ташриф айлаган даниялик Сона Биби хоним қувончини яширмади. Сабаби: нақ мусулмонча «Ассалому алайкум» деб салом бериб, нақ инглизчада «Гуд мнинг» («Good morning») жавобини олди. Ва олти ойдан бери инглиз тилини ўрганаётган мухбиримиз Алишер Шойим билан шу тилда мулоқотда бўлиб, шахримиздаги қароргоҳига қайти. Дарвоқе, у яна мухбиримизни Данияга таклиф қилиши ҳам унутмади.

ЧАККИ ЭМАС...

«Пахтакор» ҳамда Ўзбекистон терма командасининг аъзоси Абдуқаҳҳор Маъруфалиев ўғил кўрди. Чақалоққа кўпчилик футбол ишқибозларининг илтимоси билан Акмалжон деб исм қўйилди. Илк суюнчи сифатида янги оиллага Тошкентнинг сўлим гўшасидан шахсий уй ажратилди.

Абдуқаҳҳор ҳозир 21 ёшда. Оилавий футбол жамоаси тузмоқчи, бошланиши чакки эмас. Биз ҳам ниятлари вожиб бўлсин деймиз.

«ХОТИРА — 93»

Кеча ҳазрат Навоий номидаги миллий боғимизда 1979 йилда ҳалок бўлган «Пахтакор»чилар хотирасига бағишлаб мамлакат футбол Федератсияси ош берди. Дастурхонга марҳум футболчиларнинг оилалари таклиф қилиниб, ҳар бир оиллага 20 минг сўмдан ёрдам пули берилди.

Хотира йиғинида ҳозирги «Пахтакор» ҳамда «Пахтакор — 79» ўсмирлар жамоалари, футбол Федератсияси раҳбарлари бор эди. Аҳбор Имомхўжаевнинг кўз ёшлари, «Боткина» қабристонига гул қўяётган Миржалол Қосимов ва Шўхрат Мақсудовнинг маҳзун қиёфаси йиғилганларни сел қилди.

Биз ҳам марҳумларнинг охирати оёб бўлсин, деймиз.

МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ



— БИЗ ШУНДАЙМИЗ

Содик МАҲКАМОВ сурати

БАХМАЛЛИК БОЛАЛАР

Бир томондан Туркистон тоғ тизмалари, бир томондан Моргузар тоғ тизмалари билан ўралган қўшни Тожики-

стонга чегарадош бўлган Бахмални бежиз Ўзбекистонимизнинг «Швейтсарияси» деб аташмайди. Езининг жазирама кунларида ҳам ўз сал-

қинлиги, оппоқ қорга чўлғанган чўққилари билан ўзини кўз-кўз қилиб турган «Ойқор» тоғлари ёнбағри ҳар йилгидек болалар билан гавжум. Тоғ этагидаги «Дўлана» оромгоҳи 500 нафар ўғил-қизини ўз бағрига олган.

Оромгоҳга қадам қўйган киши болаларнинг ёзги таътилни қувнок ва шод ўтказаяётганликларининг гувоҳи бўлади.

Ёнгинамиздан салом бериб ўтаётган болаларни тўхташиб суҳбатга чорлаймиз:

— Яхшимисизлар, болалар. Қани, бир танишиб кўяйлик.

— Исми Акбар, ўртоғиники Собир! Биз шу ерда танишдик. Энди ажралмаймиз, тўғрими Собир?

— Лагер сизларга ёқяпти-ми?

— Ҳа, кўп дўстлар орттирдик, турли ўйинлар ўргандик.

— Уйга қочиб кетгиларинг келмаяптими?

— Йўқ, негаки, уйда ёзги ишлар кўп, — дейди улар болаларга хос қувлик билан.

— Акбар, уларингги соғинмаяпсанми?

— Фақат укаларимни, қўларимни бироз соғиндим.

— Нималарни кўпроқ ёқтирасизлар?

— Кинони.

Шундай оромгоҳлардан яна бири 15-ўрта мактабда

ташқил этилган бўлиб унда 60 ўқувчи дам олмоқда. Аввало мактаб ҳақида гапирадиган бўлсак, у 10 гектар олмасор боғни парвариш қилиб, топилган маблағ ҳисобига ташқил этилган. Тоғ бағридаги бу оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган болаларнинг аксарияти тоғликлар. Мактаб оромгоҳи учун 155 минг сўм маблағ ажратилган. Жиззах вилоят ҳокимияти, Вилоят кенгаши, Касаба уюшмалари ва Ешлар иттифоқи тузган кўшма қарорга асосан мавжуд 22 оромгоҳда 8000 бола дам олиши керак. Умумий ажратилган маблағ 30 милён сўмни ташқил этади. Ушбу оромгоҳларда болалар учун кино, концерт тез-тез бўлиб туради. Ўзбекистоннинг келажак бўлашақ болаларимизнинг дам олиши, ўқиб-ўрганиши учун ҳар қанча меҳнат қилсак — шунча оз.

Ботирбек ОРИПОВ


УЯЛИБ КЕТДИК...

Яқинда пойтахтдан бир гуруҳ аёл-эркаклар қадимий навқирон шаҳар Тегхронга — ёзги таътил сафарига борди. Эронликларнинг ниҳоятда меҳмондўстлиги ва шаҳарининг эъзалиги, ҳавасимизни келтирди. Биз киноларда кўрган, эшитган эронлик мўъмин-мусулмон эркалар, қора ҳижобга ўранган маъсума аёллар билан юзма-юз кўришиб, сўзлашганимиздан қувонч таассуруларимиз чексиз. Бизни янада ҳайратлантирган нарсга қайта бормайлик ишлаб чиқаришдами, савдо расталаридами, маиллий хизмат жойларидами фақат эркалар хизматда, аёллар эса оғир ишларга даярли жалб этилмаганилиги бўлди.

Тегхрон — азал-азалдан

мусулмонларнинг муқаддас шаҳри эканлиги ҳаммага аён. Шунинг учун ҳам шаҳарни жуда яхши мароқли бир умр ёдимиздан чиқмайдиган бўлиб томоша қилдик. Аёлларимиз оқ рўмо, узун (тор) кўйлак, эркалар эса замонавий дибосларда эди. Чунки биз ўзбек бўлиб, ўз миллий либосларимизни унутиб юборганлигимиз эронлик диндошларимизни таъсирлантириб юборди. Биз ўз халқимизни кеч бўлсада тан олдик...

Холида АХРОВОВА
Тошкент шаҳри



Равшан ОТАБОВ. Жиззах шаҳридаги «Сервис» савдо ишлаб чиқариш комбинати бош директори. 1942 йили Зомин тумани Ён қишлоғида туғилган. Уттиз ёшдан бери раҳбар. Иши — қуриш. Ишқибозлиги — мутолаа. Уч ўғил, уч қизининг отаси. Невараларининг бобоси.

ўқиб чиққанман. Кечалари ой ёруғида тутнинг бошига чиқиб олиб китоб ўқишни яхши кўрадим: Майн Риднинг «Бощисз чавандоз» номли китоби бўларди. Уқийвериб ёд олиб қўйган эдим.

Лекин... Географ чиқмади биздан. Мактабни битта тўрт билан (тригонометриядан) битирган бўлсамда, омад чопмади. Қишлоққа қайтиб, икки йил пионервожатий бўлиб ишладим. Тошкентда ўтказилган вожатийлар кўригида голиб бўлдим. Кейин — армия. Дарвоқе, армия ҳақида. Мен армияда хизмат қилганимдан мингдан минг розиман. У ерда тақдир мени Кузнецов деган лейтенант билан дуч қилди. Бечора ўқишга иштиёқимни кўриб, русча китобларни бетма-бет ўқитиб мазмунини айтиб беришга мажбур қиларди. Ҳар кунни бўш қолдик дегунча икковлашиб китоб ўқирдик. Онаси шаҳар кутубхонасида ишларди. Зидди оила эди. Уша одам туфайли рус тилини ўргандим, рус, дунё адабиёти билан танишдим.

— Географ бўлиш насиб қилмаган бўлса-да, сезилаттики, тақдирингиздан нолимайсиз — кўп йиллардан

йўқ. Вакил штаб йиғилишида тегишли вазирлик раҳбарларини роса «тузлади». Улар эса сабаб топишга, айбни бошқаларга ағдаришга уринди. Республикага, жумладан, вилоятимизга эса ёниги ҳаводек зарур. Иш ётиб қолаётганди. Йигитлик — мардлик дегани рост экан. Шартта ўриндан турдим-да, агар тегишли ваколат берилса, нефть маҳсулотларини мен ундириб келаман деб юбордим. Ростини жаҳл билан сўз бериб қўйиб, сўнг юрагимга ғулғула тушди. Лекин айтилган сўз — отилган ўқ. Ваколатни олиб, Мирзачўлнинг неъматларини қўлтиқлаб Уфага жўнадик. Нефтни қайта ишлаш заводлари раҳбарларига «Отанг яхши, онанг яхши»лаб, бир бало қилиб, дардимизни тушунтирдик. Хуллас, ундирдик. Ўзбекистонга 15 кун ичида 130 минг тўнна нефть маҳсулотлари жўнатилди.

— Кейин обрўйингиз ҳам роса ошиб кетгандир!

— Э, обрўни қўйинг. Вакилнинг кайфияти тоза зўр бўлиб кетган. Штаб йиғилишида: «Бутун бошли вазирнинг қилолмаган ишини мана бир

бор. Замон шунда!» ишлашимизни талаб қиляпти. Четдаги филиалларимиз ёрдамда Ўзбекистонга керакли маҳсулотларни қаршадан олишимиз мумкинлиги ва айна вақтда четга бизнинг ҳайси маҳсулотларимиз кераклиги ҳақида ахборот оламиз. Фишт заводимиз ишлаб турибди.

— Одамларингизнинг топиши қандай!

— Маошлари яхши. Турли қўшимча имтиёзларини ҳисобга олсак, бемалол оилаларини тебратишади.

— Келажак режаларингиз!

— Биласизми, мен ҳар доим чет эл корхоналарининг ишлаш тартибига ҳавас қилар эдим. Ишни жуда озода, беками-кўст бажаришади. Худди хориждаги сингари қурилиш фирмаси ташкил қилиш ниятидамиз. Зўр йигитлар бор. Улар билан келишялмиз. Орзуимиз хонадон соҳиблари кўрганда: «Отангга раҳмат, қурган қўлинг дард кўрмасин!» деб дуо қилиб юборадиган ўйлар қуриш. Шундай дуо эшитиш ҳали бизга армон.

Бундан ташқари Зарбдор туманидан 200 гектар ер ижарага олялмиз. Насиб қилса, у ерда голландларникидан қолишмайдиган фермер хўжалигини ташкил қилиш умидимиз бор. Яна Наврўз шаҳрида газлама фабрикаси қуришга киришялмиз. Американинг бир фирмаси билан сўтти қайта ишлайдиган завод-қўшма корхона қуриш бўйича музокара олиб бораёлмиз. Хуллас, режалар кўп.

— Бугунги кунда кўпнингиз нимадан кўпроқ безовта!

— Болалардан, айниқса, ўғил болалардан. Биласизми нимага китоб ўқишмайди. Сиз улар билан суҳбатлашиб, баҳслашиб кўринг. Фикрини ифодалаб бериша олмайд, аксарияти! Улардан қизларимиз дуруст. Латта-пурта, сомса-қатиқ сотиб мўмай пул топадиган мана бу давр ўтиб кетади. Худдо хоҳласа. Эрта бир кун ҳамма нарса ўз ўрнига тушади. Илм, ҳунар қадрини топади. Ишончим комил, битта илмли, замонавий ҳунарли, айтилик компютер йиғувчи йигит сотувчи, ошпаздан 5-10 баробар кўпроқ даромад қиладиган кун унчалик узок эмас. Ҳамма илгор мамлакатларда шундай.

Биз фарзандларимиз онгига шу тушунчини сингдиришимиз керак. Эртага замонавий илм, ҳунарга эга йигит қизларга муҳтож бўлиб қомайлик.

Яна. Яқинда давлат Президентининг халқ ҳўжалиги ривожини ярим йиллик натижасига бағишлаб ўтказилган йиғилишдаги чиқишини кўргандирсиз. Телевизорда беришди. У кишининг кўйиниб, ёниб айтган гапларини эшитиб ўтириб, ичимдан бир нарса узилиб кетгандай бўлди. Бунчалик танбал бўлмасак! Чиндан ҳам, лоқайдлик касалидан қачон қўтиламиз! Яна кўр-қадиганим, кўллариш (мен раҳбарларини назарда тутаяман) Президент олдидаги масъулиятимиз у кишининг шаънига мақтовлар айтишдан иборат деб билаётганимиз. Шу тариха ишни деб жон койитмасдан, иссиқ жойимизни сақлаб қолишга интиляётганимиз. Раҳбар кишининг Президентга ҳўрмати мезони у кишининг шаънига айтган мақтов сўзлари эмас, унинг ўз бурчига муносабати ҳисобланади деб ўйлайман.

— Бурчимни бажара олялман деб ўйлайсизми!

— Баҳони бошқаб берсин. Ҳар қалай интилялмиз.

— Ниятингиз!

— Ортимиздан эзгу из қолсин.

ТУТНИНГ БОШИДАГИ БОЛА

— Бугунги кунни — умрни эртага яшашининг иложи йўқ. Утаётган ҳар кун яхшими, ёмонми — умримиз. Ундан тониб бўлмайди. Равшан ака, сиз ҳаётнинг ушбу оддий фалсафасини қандай тушунасиз!

— Яшаш керак, одамдек. Фақат ҳамма гап яшашни ким қандай тушунишида-да.

— Ҳўш, сиз қандай тушунасиз!

— Менми? Биз, бугун кўп ёзишаётганидек, шўро замонида туғилиб тарбия топдик, улғайдик. Худого шукур, энди Ўзбекистонимиз мустақил. Барчамизнинг юрагимизда, ошқор этавермасакда, ушбу туйғудан ғурур бор. (Биз ўзи шунақа халқимиз. Ичимиздагини сирта чиқаравермаймиз).

Лекин, бу умрингдан афсус қил, кечаги кунингни бўралаб сўк дегани эмас-ку. Шўро тузуми халқимиз бошига кўп кулфатлар келтирган экан. Юзаки қараганда сезилмайдиган бу кулфатларнинг илдизига назар солганим сари баданинг жимирлаб кетади. Мустақиллик нақадар улуг неъмат эканлигини ич-ичингдан ҳис этасан. Шу боисдан ҳам мен бугун шўро тузумини тўла инкор этаман. Лекин ўтган умримни эмас. Худо муяссар кўрган экан, умр — бандасиники. Отана сингари умрни ҳам танлаб бўлмайди. Умр яшалади. Умр — тақдир.

Умрнинг ўтгани — хотира, қолгани — орзу-умид. Унисини бунисидан ажратиб мумкинми! Шунинг учун ҳам одам ҳеч қачон ҳаётдан нолимаслиги, шукр қилиб самимий яшашга интилиши керак деб ўйлайман.

— Болалигингизда ким бўлишни орзу қилгансиз!

— Болалиқда кимлар бўлишни орзу қилмайсиз. Бу заминда болалик хотиралари ўзи учун бутун бир дунё бўлган одам бўлмас керак. Орзуим географ бўлиш эди. Кичкинагимдан китоб жиннис эдим. Ота-онам ҳам раъиймга қарашарди. Кўнгли ўқимасин дейишган бўлса керак, ўғай онамизнинг кўлида қолганмизда. Мактабимиз кутубхонасида 1300 китоб бор эди. Ҳар хил. Битта қолдирмай

бери раҳбарлик вазифасида ишлаб келасиз. Айтинг-чи, раҳбар учун одамлар билан ақо-уқабатда» энг муҳим хислат нима деб ўйлайсиз!

— Раҳбаримсиз-йўқми, аввало одамгарчиликини унутмаслик керак. Одам зоти борки ўзини бошқалардан кам кўргиси келмайди. Шу боис ҳам раҳбар учун энг муҳим хислат бошқаларни ўзига тенг кўра билиш. Кейин яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам одамлар билан бирга бўлиш керак.

1974 йили чўл зонасидаги УПП (сановат қурилиш бошқармаси)га директор этиб тайинландим. УПП планли зарар кўриб ишлайдиган ташкилот эди. Бугун ўйлаб кўрсанг ақлга сиймайди. Лекин ўша пайтлари йил мўбайнида қанча зарар келтириб ишлаши олдиндан режалаштириб қўйилмаган шунча ташкилотга айлантирдик. Еш бўлганлигим сабабли, энг оғир пайтлари ишчиларнинг ёнида бўлишни яхши кўрадим. Уларнинг юмушларини енгиллатиш учун жоним ҳалак бўлиб югурар, шундан роҳатланардим. Шу туфайлими ташкилотимизда жамоа билан тез қиқишиб, одамлар билан ақо-уқабат бўлиб кетган эдим. Одамларнинг кўнглидан жой топсангиз ҳар қандай оғир шароитда ҳам ишингиз юришиб кетаверар экан. Мен учун бу бир умрлик сабоқ бўлди. УППдан кетганимга 15 йилдан ошган бўлсада, собиқ ҳамкасблар билан кўча-кўй, тўй-маракادا учрашиб тураман.

— Ун йилдан зиёд Жиззах вилояти нефть маҳсулотлари бошқармаси бошлиги бўлиб ишлагансиз. Уша йиллари сиз бутун бошли нефть маҳсулотлари вазирлиги урдасидан чиқа олмаган ишни қилган — республикамизнинг ёниги лимитини Россиядан бир ўзингиз 15 кун ичида ундириб келган экансиз. Шу гап ростми!

— Жуда ҳам унчалик эмас. Йигитлик даври шашти туфайли бир шундай бўлгандида. 1981 йилнинг кузи эди. Пахта кампанияси бошланган, республикамизнинг биринчи раҳбарларидан бири вилоятимизга вакил бўлиб келган. Ҳар кун кечқурун обком биносида «штаб йиғилиши» бўлади. Вилоятда ёниги захираси деярли тугаган, транспорт тўхтаб қолган. Россиядан келадиган ёнигиладан дарак

йигит уддалаб келди. Отасига раҳмат! Қўлидан иш келмайдиган вазирлиқнинг нима кераги бор, вазирлик-пазирликларнинг билан тарқатиб юбориш керак. Президиумни бўшатиб қўйинг. Сизнинг жойингиз пастда, «деб вазирни залга тушириб юборган. «Ука Президиумга сиз чикинг. Бундан кейин бу жойда сиз ўтирасиз», деб бизни тепага чиқарган. Роса ноқулай аҳволга тушганман. Уша замонда вазирнинг жойида ўтириш!..

— Бугун ҳаётда кўпроқ нимадан кўрқасиз!

— Инсофни йўқотишдан. Айниқса, бугунги ола-ғовур замонда бу ҳеч гап эмас. Одамга: «Фалончи инсофини еган» деган гапни эшитишдан катта ҳақорат йўқ деб ўйлайман.

— Ун йил Жиззах вилояти нефть маҳсулотлари бошқармасида бошлиқ бўлгансиз. Шу ташкилотда амалга оширган энг катта ишингиз ва армонга айланган орзуингиз!

— Жиззах, Дўстлик, Фориш, Зарбдор нефть базаларини қурдик. (Уша пайтда бирор вилоятда бундай иш қилинмаганди). Шу туфайли бугун юзлаб тўнна ёқилги тежаляётганини кўриб қувонаман. Армоним... шу базаларнинг ҳаммасини бир марказдан автомат тарзда бошқариладиган қилмоқчи эдик. Режаимиз амалга ошганда, бугун, худди илгор мамлакатлардагидек, ҳар бир сизим идишда қанча ёниги борлиги, ундан кунига қанчаси ва қаррга кетаётгани автоматик равишда кўрсатиб берилиб турарди. Кафтадигидек аққол кўриб турардингиз. Турли қингириклар учун умуман имконият қолмасди. Афсус, энди бу ишни амалга ошириш анча оғирлашиб қолди. Қимматчилик.

— «Сервис» савдо ишлаб чиқариш комбинатларингизни пайдо бўляётган замонавий ишлаб чиқариш десак бўладими!

— Менимча, замонавий-нозамонавий деган гапларни бир четга қўйиб, ҳозир ишлаш керак. Кўп нарсалар, замон ўзгаряпти — шунга мослашмишга ҳаракат қилиш зарур. Корхонамизда олтиш нафардан зиёд одам ишлайди. Иккита тайёрлов идорамиз, Тошкентда корхонамиз, Иркутск, Иваново, Красноярскда филиалларимиз

«Оила ва жамият» 32(103)

ПАНЧАТАНТРА—МУҚАДДАС БЕШ КИТОБ

Утган сонда ҳикоямиз Хиранининг Читрагрива ва унинг дўстларини тўрдан озод қилган жойида тугаган эди.

Буларнинг барини — Читрагриванинг тўрга тушгани, банддан қандай озод бўлганини кўрган қарға дилдан ҳайратга тушиб, ичида ўйларди: «Бунча ақлли экан бу Хирани! Ғайратини қаранг! Инини ҳам бошлаб кўрган экан! Мен ҳам у билан дўст бўлишим керак. Гарчи табиатим мудом ўзгариб туради, ҳеч кимса менга ишонмайди ва ҳеч ким мени лақиллатолмайди — шундай бўлса-да барибир дўст ортиришим керак».

У шундай ўйлаб, дарахдан паства тушди ва инга яқинлашиб, Хиранини чақирди:

— Қадрли Хирани! Бу ёққа чиқ! Бун эшитиб, сичқон ўйлади: «Ким бўлди? Наҳот яна тўрга илибини қолган биронта кабутар чақиряпти?» У сўради:

— Ҳой, кимсан?
Қарға деди:
— Мен қарға Лагхупатанак бўламан.

Шунда Хирани инига янада чуқурроқ яқинлашиб, деди:

— Азизим! Жўна бу ердан.
Қарға кўнмади:

— Мен муҳим иш билан олдинга келдим. Сени кўришим керак.
Хирани деди:

— Мен сен билан гаплашмайман.
Қарға деди:

— Мен Читрагривани тўрдан қандай кутқарганини кўрдим. Сенга қўйил қолдим. Бир кунмас бир кун тўрга тушиб қолсам, мени кутқариб олишиңг мумкин. Менга дўст бўлсанг дедим.

Хирани деди:
— Бироқ сен ваҳшийсан, мен эса — ўлжа. Уртамизда қандай дўстлик бўлиши мумкин? Йўлингдан қолма.

Қарға айтди:
— Мен ининг оғзида ўтирибман. Агар менга дўст бўлишни истамсанг, мен ҳаётдан воз кечаман.

Хирани деди:
— Азал душман билан қандай дўст бўлай? Бекор айтмаганлар:

Ғаним неча азоб чекмасин хавфлидир аҳд боғламоқ,
Сув қанча қайноқ бўлмасин, олов уни дўст тутмас.

Қарға айтди:

— Нега биз душман бўлишимиз керак? Ахир бир-биримизни ҳеч қачон кўрган эмасмиз-ку. Нега номақбул сўзларни сўзлайсан?

Хирани эътироз билдирди:
— Йўқ. Душманлик икки турли бўлмай: азалий ва орттирилган. Орамизда — азалий душманлик бор.

Душманчилик орттирсанг, йўл топ — қилса бўлур бартараф, Азалий бўлса душман ўлимдан топура таммат.

Қарға айтди:
Айтиб беролмайсанми, икки турли душманчилик қандай бўлади?

Хирани тушунтирди:
— Орттирилган душманчиликнинг бир аниқ сабаби бўлади. Шунинг учун агар душманга яхшилик қилсанг, адо-ват тугайди. Азалий душманчиликнинг охири йўқ. Жайра ва илон, ўтхўр ва дарранда, сув ва ўт, худолар ва иблислар, итлар ва мушуклар, хотин ва маъшуклар, арслонлар ва филлар, овчилар ва кийиклар, қарғалар ва бойкушлар, яхшилар ва ёмонлар ўртасидаги душманлик азалий. Гарчи бирла-ри иккинчиларига сира ёмонлик қилмаган бўлсалар-да, барибир, улар доим ўзининг азалий ғанимининг янчиб ташлашга уринади.

Қарға эътироз билдирди:
— Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Манави яхши сўзларни эшит:

Сабабсиз дўст бўлмаган, Бўлмас сабабсиз душман, Инчунин юз ўғирмас дўстликдан доно одам.

Хирани жавоб берди:
— Хўп, сен билан қандай гаплашаман? Яхшиси тингла, яхши муомаланинг моҳияти, мана, нимада:

Бевафо бирла дўст бўлма — ҳалоқ айлар охир сени, Хачир шўрлик ўлгай тамом гар бўйида бўлса ногоҳ.

Қарға айтди:
— Бу тўғри. Лекин яна бир тўғри гап бор:

Эгриликдан яқинлашар одамлар, махлуқ топишар тасодифдан, Тентакларин бирлаштирар тама, яхши танилур бир қарашда.

Ҳар ҳолда мен ростини айтмаман. Ундан ташқари, сен мендан кўрқмасанг?

У жавоб берди:
Сенинг фикри-хаёлингни биламан, шунинг учун ҳам кўрқмайман. Лекин мен бир кунмас бир кун сенинг янги дўстингга ишониб нобуд бўламан.

Шунда қарға деди:
— **Бездирмоқчи бўлар экан янги сени эски дўстлардан Дарҳол кечгил ундан ортиқ — гуруч бериб тариқ олма.**

Бунга эшитгандан сўнг сичқон индан дадил югуриб чиқди ва икков бир-бирларига хурмат кўрсатиб омонлик-эсонлик қилишди. Бирпасдан сўнг Лагхупатанак Хиранига деди:

— Майли, ўз инингга қайт. Мен энди овқат изайман.

Шундай деб, у сичқон билан хайрлашди ва ўрмон ичкарисига қараб учди. Бу ерда у шер ўлдирган ёввойи кўтос тўшини топди, қорини тўйдирди ва киншук тусидаги бир парча лаҳм олди-да, Хирани олдига қайтди, уни чақирди:

— Бу ёққа чиқ, бу ёққа чиқ, азизим. Сенга гўш олиб келдим, тотиб кўр.

Сичқон ҳам меҳрибонлик қилиб, унга тарих ва гуруч тайёрлаб қўйган экан, жавобан деди:

— Азизим, сенга гуруч олиб қўйган эдим, ол, ундан тотиб кўр.

Гарчи ҳар икковлари ҳам тўқ бўлсалар-да, бир-бирларига меҳрибончилик кўрсатиб, тамадди қила бошладилар. Зотан, дўстлик удумларидан бири ҳам шундайди: Ахир, айтилган-ку:

Олти ишни қилсин дўстлар: совға бериб, совға олсин, Сирин сўраб ҳол сўрасин, Меҳмон бўлиб, меҳмон қилсин. Кўп гап не ҳожат?

Эту тирноқ маҳкам бўлур, лек юз қарра зўрроқ севги, Икки дўстин иноқ этти — азал-абад тўзмас банди.

Қарғанинг меҳрибончиликларидан сичқоннинг кўнгли шунчалар ийидики, у кўпинча узоқ-узоқ қарға қаноти остида ўтирадиган бўлди.

Бир кун қарға қўзлари тўла ёш учиб келди-да, тутила-тутила ўлкаси тўлиб деди:

— Азизим Хирани! Мен бу ердан учиб кетаман, бу юрт жуда жонимга теги.

Хирани сўради:
— Нега жонингга теги?

Қарға деди:
— Қулоқ сол, азизим. Бу юртда

лигинг учун қасам ичишим мумкин.

Хирани жавоб берди:

— Ичган қасамингга ишонмайман.

Ахир айтишган-ку:

Бир тешик бас маккор ғаним Сўзулиб кирмоғига, Биз ўлдурмиз уммон ичра тешилган кема мисол.

Ва яна:
Олтин тутса икки қўллаб — ишонма душманларга, Елгон сўйлар хотинга ҳам — ҳароб айлар сени тамом.

Қарға бунга эшитгач, унга индамади ва ўйлаб қолди: «Жўяли муомала ҳақида қандай яхши фикрлар айт-япти! Мен у билан албатта дўстлашим керак». Кейин у айтди:

— Кел дўст бўлайлик. Акс ҳолда мен ўзимни ўлдирман.

Хирани эса фикрлади: «Гап-сўзларидан кўриниб турибди. У унчалик аҳмоқ эмас. Шунинг учун у билан дўст бўлишим, ёмон бўлмайди».

Шу ҳақда ўйларкан, у қарғага деди:
— Азизим! Сенга ишонгим келяпти. Сен билан тортиганимнинг сабаби — сени синаб кўрмоқчи бўлдим. Энди эса бошимни сенинг кўксингга қўйсам дейман.

Шундай деб, у ин оғзига келди, лекин бирдан бўсағада тўхтаб қолди. Шунда Лагхупатанак айтди:

— Наҳотки сен ҳалиям менга ишон-масанг ва уйингдан ташқари чиқишга кўрқсанг?

У жавоб берди:
Сенинг фикри-хаёлингни биламан, шунинг учун ҳам кўрқмайман. Лекин мен бир кунмас бир кун сенинг янги дўстингга ишониб нобуд бўламан.

Шунда қарға деди:
— **Бездирмоқчи бўлар экан янги сени эски дўстлардан Дарҳол кечгил ундан ортиқ — гуруч бериб тариқ олма.**

Бунга эшитгандан сўнг сичқон индан дадил югуриб чиқди ва икков бир-бирларига хурмат кўрсатиб омонлик-эсонлик қилишди. Бирпасдан сўнг Лагхупатанак Хиранига деди:

— Майли, ўз инингга қайт. Мен энди овқат изайман.

Шундай деб, у сичқон билан хайрлашди ва ўрмон ичкарисига қараб учди. Бу ерда у шер ўлдирган ёввойи кўтос тўшини топди, қорини тўйдирди ва киншук тусидаги бир парча лаҳм олди-да, Хирани олдига қайтди, уни чақирди:

— Бу ёққа чиқ, бу ёққа чиқ, азизим. Сенга гўш олиб келдим, тотиб кўр.

Сичқон ҳам меҳрибонлик қилиб, унга тарих ва гуруч тайёрлаб қўйган экан, жавобан деди:

— Азизим, сенга гуруч олиб қўйган эдим, ол, ундан тотиб кўр.

Гарчи ҳар икковлари ҳам тўқ бўлсалар-да, бир-бирларига меҳрибончилик кўрсатиб, тамадди қила бошладилар. Зотан, дўстлик удумларидан бири ҳам шундайди: Ахир, айтилган-ку:

Олти ишни қилсин дўстлар: совға бериб, совға олсин, Сирин сўраб ҳол сўрасин, Меҳмон бўлиб, меҳмон қилсин. Кўп гап не ҳожат?

Эту тирноқ маҳкам бўлур, лек юз қарра зўрроқ севги, Икки дўстин иноқ этти — азал-абад тўзмас банди.

Қарғанинг меҳрибончиликларидан сичқоннинг кўнгли шунчалар ийидики, у кўпинча узоқ-узоқ қарға қаноти остида ўтирадиган бўлди.

Бир кун қарға қўзлари тўла ёш учиб келди-да, тутила-тутила ўлкаси тўлиб деди:

— Азизим Хирани! Мен бу ердан учиб кетаман, бу юрт жуда жонимга теги.

Хирани сўради:
— Нега жонингга теги?

Қарға деди:
— Қулоқ сол, азизим. Бу юртда

қаттиқ қурғоқчилик бўляпти. Одамлар оч қолиб, қурбонлик қилмай қўйишди. Устига-устак ҳар бир уй олдида тузоқ бор. Тақдирнинг тақазоси билан тузоққа тушмай омон қолдим. Шунинг учун ҳам, кўз ёшларим оқизиб, бошқа юртга учиб кетаман.

Хирани сўради:

— Қаёққа учмоқчисан? Айтиб бер.

Қарға деди:

— Жануб ўлкасида чангалзор ўрмонда катта қўл бор. Уша ерда менинг энг яхши ўртоғим, ҳаттоки сендан ҳам яқинроқ оғайним Мантхарака деган тошбақа яшайди. У мени тўйим-ли балиқлар билан боқайди. У билан ширин суҳбатлар қуриб, яхши ҳикматли гаплардан сўйлашиб, вақтимни хуш ўтказаман. Қушларга қирон келтиришларига бу ерда жим қараб туролмайман. Тўғри айтишган:

Бахтиёр эрур азалдан дўстлар қулфатини кўрмаган — Қардошларин ўлимини, ўз хотинини ёт қучоғида.

Хирани айтди:
— Ундай бўлса мен ҳам сен билан борай. Менинг ҳам бошимга бахтсизлик тушди.

Қарға сўради:
— Не бўлди?

Хирани жавоб берди:
— Бунинг ҳикояси узоқ. Етиб борганимиздан сўнг батафсил айтиб бераман.

Қарға деди:
— Бироқ мен ҳавода учаман, сен ерда юрасан. Менга қандай ҳамроҳ бўласан?

Сичқон жавоб берди:
— Агар мен керак бўлсам, елканга ўтказиб олгинда, аста учиб кетавер.

Қарға бунга эшитиб, хурсанд бўлиб деди:

— Бахтим бор экан! Мендан ортиқ бахтлироқ кимса йўқ! Айтганингдек қиламан. Мен ахир саккиз турли учинчи барини биламан, улардан биринчиси — биргалликда учтир. Шунинг учун сени осонгина кўтариб учаман.

Хирани бунга эшитиб, унинг елкасига чиқиб олди ва улар биргалликда парвоз қилдилар. Ниҳоят улар қўл бўйига етиб келдилар. Бу орада ҳамма ишни ўз вақтида саранжом-сарийшта қиладиган Мантхарака қарға билан унинг елкасида ўтирган сичқонни кўриб қолди. «Бу ким бўлди?» — деб ўйлади-да, апил-тапил сувга шўнгиди. Лагхупатанак эса Хирани қўл бўйида ўсган дарахт тешигига жойлади-да, ўзи шохга ўтирди ва баланд овоз билан қичқирди:

— Ҳой, Мантхарака! Қайдасан! Мен дўстинг қарға бўламан. Сени анчадан бери кўрмай жуда соғиндим. Кел, бир қучоқлашиб кўришайлик!

Бунга эшитиб, тошбақа эски дўстини таниди ва қувонгандан йўғлаб, шоша-пиша сувдан чиқди. «Кечиргайсан, мен сени танимабман», — деб. У дарахтдан паства учиб тушган Лагхупатанакани қучоқлаб олди. Улар дарахт тагида ўтириб, бир-бирларидан ҳола-ҳвол сўрадилар, бошларидан ўтган воқеаларни сўйлаб бердилар.

Хирани ҳам Мантхаракага таъзим қилиб, яқин келиб ўтирди. Тошбақа қаргадан сўради:

— Бу сичқон ким? Нега уни ейиш ўрнига елканга кўтариб бу ерга олиб келдинг?

Лагхупатанак бунга эшитиб, деди:
— Бу сичқоннинг исми Хирани, менинг жондан ҳам яқин ўртоғим бўлади. Кўп сўздан нима фойда?

Худди ёмғир томчисидек, худди кўкда юлдузлардек, Худди қуруқ тупроқ узра кўзга илинмас гўбордек, Сон-саноксиз сичқонбойини қилган яхши ишлар.

Лек дунёдан безган шўрлик — ўлтирур мана қошингда.

Мантхарака сўради:
— Нега дунёдан бебади?

Қарға деди:
— Ҳали учиб келмасимиздан олдин ундан сўраган эдим. «Бунинг ҳикояси узун. Борғач айтиб бераман», деб эди. Мана энди, бизга хотиржам ҳикоя қилиб бер, азизим Хирани, нега дунё кўзингга тор кўриниб қолди?

Хирани ҳикоя қилди:

Давоми келгуси сонларда

Иброҳим Гафур таржимаси

● Аҳмад ЯССАВИЙ ●

ҲИҚМАТ

*Уқбо хабарин эшитиб, дунёни солиб кеторам,
Тушдум эранлар бухрига, дунёни солиб кеторам.*

*Эранлар дунё демади, дунё ғамин емади,
Ҳақдин ўзгани демади, дунё солиб кеторам.*

*Мусо, Имрон қолмади, тахти Сўлаймон қолмади,
Минг ёшлиқ Луқмон қолмади, дунё олиб кеторам.*

*Дунё деган озор эрмиш, оқил қулар безор эрмиш,
Жоҳиллар бирла ёр эрмиш, дунё солиб кеторам.*

*Султон Хожа Аҳмад Яссавий айди бу ҳикматни тамом
Эшитсун деб жумла жаҳон, дунёни солиб кеторам.*

Маслаҳатлар

ГЎШТ ТАНЛАШ

Одатда аёллар гўшт олаётганда қассобга: «Узингиз билиб, дурустроқ қилиб беринг» дейишади. Аммо қасб-бос билганини қилади. Шунинг учун тарозига гўшт қўйдиришни ўзингиз билишингиз керак.

Егни чарвидан, бузоқ гўштини мол гўшtidан дарров ажрата оласиз, дейлик. Аммо турли таомлар учун қанақа гўшт кераклигини билолмаслигингиз мумкин. Ҳолбуки бунинг аҳамияти катта. Мол гўшти қовурдоққа ҳам, шўрвага ҳам ярайверади. Унинг сони чучвара, сомса, манти, варақи ва шу кабиларга ҳуш келади. Қовурга гўшти [айниқса ёғли гўшт] қайнатма шўрвага бол.

Дарвоқе, гўшт танлаш тўғрисида гапирётгандик. Агар гўшт қип-қизил бўлса адашманг, бу қари молнинг гўшти, бинафша қизил бўлиб дир-киллаб турса бу янги сўйилган ва ёш молнинг гўшти бўлади. Қўй гўштнинг ажойиб ҳиди, эчки гўштнинг эса ёқимсиз ҳиди бўлади.

Хом гўштни совуққа қўйишдан олдин қозонни ёки селлофанни олиб

ташланг, сунгра гўштни сопол ёки сирланган идишга солиб, устига қозғ ёки доқа ёпиб қўйинг.

Қайнатиб пиширилган [яхна] гўшт мазали ва ширин бўлсин десангиз гўштни қайнаб турган сувга солинг. Бу ҳолда шўрвага гўштининг мазаси камроқ чиқади.

Гўштли суюқ овқатни қанча қайнатиш гўштининг умумий миқдорига эмас балки гўшт бўлақларининг катта-кичиклигига ва гўшт тўқималарининг тузилиш хусусиятларига боғлиқ. Майда тўғралган гўшт тез пишади.

Гўштли шўрванинг тиниқлиги унинг асосий сифатларидан ҳисобланади. Шўрва иситилаётганда тиниқлигича қолиш учун уни паст оловда иситиш ва қайнаб чиқishi биланоқ оловдан олиш керак. Шўрвани иситганда кострюлка ёки қозон қопқоғининг бир четини буг қиқиб мета оладиган даражада очиқ қолдириш керак, шунда шўрва хира тортмайди.

Қиймада, айниқса, микроблар тез кўпаяди. Шу сабабли қиймани ишлаш олдидангина таёкёрланг.

Янги сўйилган, сифатли гўшtdа микроблар жуда кўп бўлади. Шунинг учун ҳам гўшт бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бевосита тегиб турмасин.

Дераза

БУ АҚЛ МАҲСУЛИМИ!

Гаитилик Сен-Гревлар хонадонидан уч ёшли Весси исмли орангутанг ҳам яшайди. Бир кун тўрт яшар ўғли Иеронимга отаси ҳарфларни ёзишни ўргатаётган эди. Иероним эса қозғга ҳарфларни катта-катта қилиб ёза бошлади. Ота-боланинг машғулотига диққат қилиб турган майму—Весси боланинг қўлидан қаламни олди-ю, қозғга энгашиб ёза бошлади. Албатта, жуда чиройли бўлмаса-да, А, М, Т, ҳарфларини аниқ қилиб ёзди, ва жилмайганча хонадан чиқиб кетди.

ЎЗГА ЮРТДАГИ ҲАЙКАЛ

Михаил Горбачёв Бош котиблик даврида шахсга сиғинишга қарши фаол курашчилардан эди. Бироқ ҳаётлик давридаёқ унга ҳайкал ўрнатилди. Қаерда, денг? Германияда. Уч ярым мингдан ортиқроқ аҳолиси бўлган Денкендорфда. Супада Горбачёв ёлғиз бўлмайди. Унинг ёнида яна бир сиёсатчи, ислохотчи Франс Йозеф Штраус ҳам бор. Яна бир гап. Собиқ СССРнинг собиқ президенти жамағармасига «Ауди-80» автомабили ҳам соғва қилинди, дейди «Шпигель» журнали.

БИР ТОВУҚҚА ҲАМ ДОН ҲАМ СУВ КЕРАК

Тбилисининг ҳайвонот боғида жониворларга ҳам осон бўлмапти. Утган қишда бир шер ва боғда ягона ҳисобланган қоплон очликдан ўлган эди. Ҳозир бундай ҳаф бошқа жониворларни ҳам ташвишлантириб қўйди. Мисол учун жаҳон бозорида 1 миллион доллар турадиган йўлбарсга ҳам озиқ керак. Биргина шер кунига 12 кило гўшт ёйди. Зоопарк маъмуриятининг ҳайвонларни боқишга қурби етмаяпти. (1 кило гўшт маҳаллий бозорда 15 минг купон). Маъмурият ҳайвонларни Боқуга кўчиришни режалаштирмоқда.

ФАҚАТ ГАЗАК ҚИЛИШ МУМКИН

Могилев вилояти, Октябр туман ижрокўми ушбу ҳудудни «алкоголсиз зона» деб эълон қилди. Спиртли ичимликлар сотиш ва тарғиб қилиш таъқиқланди. Кўча-кўйда, ётоқхона, болалар муассасалари ёки иш жойларда қиттак бўлса-да «отиб» олганларга нисбатан энди керакли чоралар қўлланиладиган бўлди. Ҳатто бу тадбир тижорат дўконларига ҳам тегишли.

МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

МУЗЛАТГИЧ БЎЛМАСА

Музлатгич ёздагина эмас, қишда ҳам керак. Уйда озиқ-овқат бузиллиб қолади, дераза орқасига қўйилса музлайди. Ҳўш, уйда музлатгич бўлмаса нима қилиш керак! Пишлоқ ва сариёғни шиша ёки чинни идишга дарҳол ағдариб, қопқоғини зич ёпиб қўйиш керак.

Тез бузиладиган озиқ-овқатни кичкина кострюлка, шиша ёки чинни банкага жойлаб сувли тоғора ичига қўйинг. Идишнинг қопқоғини зич ёпиб, банкаларни эса ҳўл сочиқ билан ўраб, сочиқ учларини сувга тушириб қўйинг.

Ёзда, кузда ва кўкламда гўштни бир-икки кун сақлаш учун устига хом сут қўйинг [гўшт батамом ботиб турсин]. Сут чиритувчи, саситувчи бактерияларнинг кўпайишига тўсқинлик қилади.

Сирка билан ҳўлланган сочиққа гўшт ўраб қўйилса бир-икки кун бузилмай туради.

ИЛОҲИЙ ҲАДИСЛАР

Анас бин Малик (РА) ҳазрати Расули Акрам (СА) Афандимизнинг шундай буюрганликлари ривоят қилинади: Жаноби Аллоҳ буюрдикки:

«Иzzатимга, жалол ва раҳматимга қасамки, [Ла илаҳа иллоллоҳ] деган ҳеч бир кимсани жаҳаннам оташига отмайман».

«Шубҳа йўқки, мен Аллоҳдурман, мендан бошқа ҳақиқий маъбуд йўқдир. Раҳматим газабимдан ортиқроқдир. «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Муҳаммад [алайҳиссалом] Аллоҳнинг Расулидир» дея иймон келтирган кимсани Жаннатни қўлга киритган ҳисобланади».

Жаноби ҳақ: «Е Мусо! Агар ер ва кўклар ҳамда унинг ичидагилар, денгизлар ва унда мавжуд бўлган барча нарсалар тарозининг бир палласига қўйилса ва «Ла илаҳа иллоллоҳ» калиман жалиласи тарозининг бошқа бир палласига қўйиб, тортиладиган бўлса, шубҳасиз, шаҳодат калимаси оғир босади», — дея буюрди.



АКАСИНИНГ СОВҒАСИ

А. ВАНШТЕЙН сурати

Табриклаймиз!



Ўғлим МУЗАФФАР тугилган кунинг билан табриклаймиз. Умринг узун бўлсин, эл севган қомил инсон бўлиб қўлгайсин. Ойишжонинг ГҮЛНОРА, دادанг ТУЙҒҮН ва уқанг АНВАРЖОН.

Тойчоғимиз МИРАЗИЗЖОН!
Тугилган кунинг — 1 ёшга

тўлайтганинг билан табриклаймиз. Ҳаётда ёруғ кўнлар кўриб, ўз ўринини топ, олгуну олдирма. Сенинг бахтинг бизларнинг бахтимиз. Сенига омонлик тилаб, бўвинг ГҮЛЧЕХРА, тоғанлар БАХТИЕР ва ТОҲИРЖОН, холаң ГҮЛСАРА ва онаң ГҮЛНОРА.



Хурматли

ХУРСАНОИ!

Сизни 12-август тугилган кунингиз билан табриклайман. Сизга чинор каби узоқ умр, ниъатларингиз вожиб бўлишини тилайман, деб акаңгиз МУРОД.

ШУҲРАТЖОН — МАНЗУРАХОН!

Табаррук никоҳ тўйларингиз билан табриклаймиз. Келинлик ибоси, қўввалик шижоати Сизларга бир умр ҳамроҳ бўлиб қолсин.

Оилангиз эл-юрт ҳавас қилувчи, ҳақиқий ўзбекона хонадон бўлсин, деб поччангиз ҲКТАМ, онаңгиз МУСАЛЛАМ, жиянингиз ЮЛДУЗ.

Оила

54 ЁШДА

Худода шўқ ҳаётдан камим йўқ. Соғлом-тетикман, ичмайман-чекмайман, меҳнатқашман. Тошкентда икки хонали уйда тураман. Аммо қисматим оғир, таңқоман. Шунинг учун бу азобни ҳеч

кимга раво кўрмайман ҳам. Елғизликдан зериккан, бойликка қизиқмайдиган, маъсума ёши 45-50 атрофида бўлган ўзбек аёли, қанийди, кўнглимининг эркаси, уйимнинг бекаси бўлиб қолса «Оила-219»

20 ЁШДА

Навойи вилоятиданман. Бир уйининг сариштали беркаси, вафодор бир йигитнинг севикли ёри бўлиш ягона орзуим. Хоҳ ажрашган, хоҳ бўйдоқ энг муҳими ҳалол инсон бўлсин. Мен билан танишмоқчи бўлган йигит исми шарифини, расмини ва бўйбастини аниқ ёзиб юборсин. Қолган маълумотларни кўришгач билиб олишингиз мумкин «Оила-230».

38 ЁШДА

Мактаб ёшидаги бир фарзанди бўлмиш, олий маълум

мотли тошкентлик хоним, ички ва чекишдан йироқ бўлган, аввало, маънавий жиҳатдан юксак камолга эришган, фарзанди бўлмаган, лекин ўз фарзанди бўлишини хоҳлаган кенг қалбли, асли тошкентлик, ёши 38-45 атрофидаги олий маълумотга эга бўлган жаноб билан танишиш, ва оила қуриш ниятини билдироди «Оила-231».

ИЗОҲ: Яхши ниятлар билан оила қуриш истагиданга эҳтишимга мурожаат қилган азизлар! Сизнинг номингизга келган хатлар шахсан ўз қўлингизга тезроқ тегишини истасангиз, таҳририятимизнинг «Оила» бўлимига келиб хатларни олиб кетишингиз мумкин. «Оила-150, 53, 136»-лар шулар жумласидан.

ТИЛОВАТ

— Омийн!.. Оллоҳу акбар!
Боядан бери тиловат сеҳ-
ридан сархуш бўлиб ўтирган
оломон гуварганча дуога кўл
очди. Қироат қилувчи тагин
ҳам жозибали оҳангда ўт-
ган-кетганлар, хусусан ҳозир-
гина дафн қилинган бандан
оғиз ҳақиқига калима қилди,
тирикларга узоқ умр, сабр-
тоқат, ризқ-насиба, инсоф-
диёнат, юртга тинчлик-омон-
лик тилади. Ҳазин дуои фо-
тиха асносида бир маромда
янграб турган «Омин!
Омин!» лардан нанки қаб-
ристон, балки атроф тева-
рак, еру замин, тоғу тош-
лар ҳам вужудни жамирла-
тувчи мунгли акс-садо тара-
тади. Юзга сўнгги фотиҳа
тортилиб ўтирганлар ўрни-
дан вазмин кўзгаларкан, бе-
ихтиёр ҳамма ўзининг кўн-
ғироқдек маҳзун ва ёқимли
овози билан юракларни сел
қилиб юборган мусофир ки-
шини излаб топшига, дийдор-
лашишга ошиқарди.

...Номинг ўчур уруш
одамларни не куйга солма-
ди. Минглаб, миллионлаб
тақдирларни остин-устин қи-
либ юборди. Қанчадан-қанча
эзгу ниятлар, орзу умидлар
чилпарчин бўлди. Душман
қўққисдан бостириб кирган
ўша машҳум кезлари Болта-
бойнинг қисми денгизда хиз-
мат қиларди. Тиш-тирноғи
билан қуролланган ғанимлар
уларни бир ҳамладаёқ тас-
лим этди. Кейин асрга туш-
ганларни тўхтовсиз ичкари-
га — турли концлагерларга
молдек ҳайдаб кетишди.

Орадан бироз вақт ўтгач
асирларни қайсибир хоржий
юртга жўнатармиш, деган гап
оралаб қолди. Болтабой кут-
тилмаганда бошига тушган
оғир жудолик ва кулфатдан
қийналар, бирон бир йўл бил-
ан қочиш чорасини излар,
Худои таоло ўзинг мадад

бергин, дея Оллоҳга астой-
дил илтижо қиларди. Сон-
саноксиз асирларни ортган
улкан кема тонги гира-шира
маҳали қайсибир қирғоққа
келиб тўхтади. Болтабой ма-
на шу ерда таваккал қилди.
Пайт пойлаб кемадан узоқла-
шаркан икки оёғини кўлга
олиб ўнг келган томонга чо-
пиб кетди. У шу аллозда ўт-
лоқ ва чангалзорлар оралаб
бир неча кун кезиб юрди.
Оч қолди. Чарчагандан сил-
ласи қуриб оёғи толди. Би-
роқ жаҳаннам қаъридан ку-
тулганига шукурлар айтиб
тинка мадори қуриганига қа-
рамай ёлғиз эгамдан мадад,
куч-қувват тилаб қоқилиб-
суқулиб олға бораверди.
Узоқ вақт йўл юриб ниҳоят
нотаниш ва кимсасиз воҳо,
қир-адирлар оша ажойиб бир
ғўшага етиб келди. «Уҳ» деб
ўрнига ўтирди-да атрофга
синчков разм солди. Серде-
рахт, паст-баланд ерлар ман-
зараси ҳув анави том-туйнуқ-
лардан бу жой мўъжазгина
қишлоқни эслатарди. Қайси
юрт, қайси мамлакат бўлди
экан бу! Бир вақт Болтабой-
нинг нигоҳи олис пастлик то-
мондан келётган тумонат
одамлар тўдасига тушиб қол-
ди. Улар яқинлашганда бил-
дики, кимнидир сўнгги йўлга
олиб боришяпти. Кўриниш-
дан мўъмин-мусулмонларга
ўхшайди. Хушёр тортиди ва
ҳеч кимга сездирмай ўша
оқимга кўшилди.

Қабристон ҳам шу яқин
орада экан. Марҳум лаҳадга
кўйилиб тупроқ тортилгач
узоқ тиловат қилинди. Юзга
фотиҳа тортилиши билан
Болтабой даст ўрнидан тур-
ди-да ғарибона оҳангда ил-
тижо қилди:

— Биродари азизлар!
Маъзур тутингизким, мен
Оллоҳнинг қарами билан тут-

қинликдан озод бўлган бир
бандан мусофирман. Дунё-
нинг қайси бурчагида турга-
нимни ҳам билмайман. Не
бахти, Худо мени сиз мў-
мин мусулмонларга рўпара
қилди. Оллоҳ таолога шукр-
лар айтиб, ижозатингиз бил-
ан мана шу марҳум ҳаққи-
га, шу ерда ётган жамики
марҳумлар ҳақиқига мен ҳам
бир тиловат қилсам деб
эдим.

У Ўзбекистонимизнинг
чекка бир қишлоғидаги эски-
чау янгиша илму маърифат-
дан жаббардор оила фарзан-
ди эди. Ёшлигиданоқ Куръо-
ни қаримининг кўпдан-кўп оят
ва сураларини ёд билган,
уларни қироат билан ўқиш
ҳадисини олган иқтидор эга-
си бўлиб, тилга тушганди.
Юракни ҳовуцлаб асирлик-
дан қочиш, бегона юрт, но-
таниш ўрмон ва чангалзор-
лардаги ёлғиз тентираш, сар-
сон-саргардонлики ва ҳам-
маси ортда қолганини ўзи-
даги ана шу имон-эътиқод
билан боғлади. Бу ерга уни
Худонинг ўзи етказди. Тило-
ват қилиш истағи ҳам шун-
дан пайдо бўлди. Айтилиши-
ча, Куръон Худонинг муқад-
дас калимаси бўлиб, ў таж-
вид талаблари асосида қи-
роат билан ўқилганда бош-
қача таъсир кучига эга бўла-
ди. Болтабойнинг қироати
юқорида тасвир этганимиз-
дек юракларни эритиб юбор-
ганининг боиси ҳам шунда.

Болтабойнинг ризқ-насиба-
си шу ерда экан. Уша куни
бир неча аҳли пешволар
дафн маросимидан сўнг уни
қабристон масжидига тақлим
этишди. Такрор дуои калима
ўқитишди. Болтабой бошидан
ўтганларини сўзлаб бергани-
да ҳангу манг бўлиб қолиш-
ди. «Бу ҳам бўлса Худонинг
қарами» дейишди. Уруш то
бир ёқлик бўлгунча шу ерда
туришни маслаҳат беришди,
ўз юрт ва қавмлари, ўшбу
масжид ва қабристон тарихи
ва тавсифи билан таништи-
ришди. Пировардида «Жо-
нингиз фойдага қолибди би-
родар, илм-маърифатли
одам экансиз» дея масжид
тасарруфини топширди.
Уша куни кечга яқин бир қўр
уст-бош, егулик озиқ-овқат
келтиришди.

Дастлабки кечани Болта-
бой кирак қоқмай тоат-иб-
датда ўтказди. Яккаю ёлғиз
ёки бегона хилватгоҳда бўл-
гани учун эмас. Йўқ, йўқ —
бу хаёлига ҳам келмади. Ак-
синча, бало-қазолардан қуту-
либ қолгани, тинчгина бош-
пана-манзилгоҳ топгани, қо-
лаверса, ўзига кўрсатилган
хурмат, меҳр-оқибат учун
минг қатла шукур қилди. У
бошқа нарсадан безовта эди.
«Худо кўрсатмасин, душман
келиб топиб олса-чи? Шу ас-
нода у шериклари тақдирини
ўйлади. Узининг қисмати ни-
ма бўлишини кўз олдига кел-
тирди. Олисда қолган мам-
лакати, ўз қишлоғи, ота-она-
си, жигаргўшаларини эслади.
Хуллас, шу сингари ўй-хаёл-
лар оғушда тонг ёришгани-
ни сезмай қолди.

Фалакнинг гардишини қар-
анги, Болтабой Саудий
Арабистонига бориб қолган-
ди. Кунлар, йиллар ўтди.
Бу муқаддас даргоҳ Бол-
табой учун чинакам макон
бўлиб қолди. Масжидга, қаб-
ристонга келди-кетдининг
кеги узилмасди. Жума кун-
лари, айниқса, тумонат одам
тўпланиб биргалликда намоз
ўқиларди. Мусофир Болта-
бой бора-бора масжиддаги
хизматлари, сеҳрли тиловати
билан ҳаммининг назарига
тушди. Яқин жойда мўъжаз-
гина уй ҳам тикланди. Анча
қадрдон бўлиб қолган киши-
лар орага тушиб мусофирни
уйлантириб қўйишди. Тақ-
дирни қаранги, кейин билса,
уйланган аёли ўша биринчи
кедан куни қазо қилган,
дафнда иштирок этган ўзига
тузуккина бир мўъмин-му-
сулмоннинг беваси экан.

Эр-хотин қўш ҳўкиз деган-
ларидек, оилали бўлганидан
кейин Болтабойнинг омади
яна ҳам юришиб кетди. Аёли
«оёқ-қўллигина» экан, икков-
лон масжид атрофида пар-
вона бўлишди. Ҳаммаёқ нав-
нихол, турфа гулларга бур-
каниб, ҳавас уйғотгудек ман-
зара кашф этади. Турли йў-
риқ-йўсин билан бюорувчи-
ларга эр-хотин қўл қовушти-
риб хизматда бўлишди. Кўп
ўтмай оилада бир ўғил ва бир
қиз дунёга келди. Болтабой
урушдан кейин уйга қайта-
қайта мактуб йўллади. Аммо

жавоб ололмади. Чунки у
кезлари чегаралар берк эди.
Кейинчалик Болтабой бир
неча бор юрт айланди. Кур-
кам ва обод шаҳар-гўшалар
билан танишди. Аҳоли урф-
одатларини кузатди. Бир
вақтлар келиб турган бўлиб
қолган ўзбеклар билан топи-
шиб суҳбат қурди. Тоиф ша-
ҳрида бир ўзбек дастурхон ус-
тида Болтабойга иложи бўлса
шу ерга кўчиб келишни мас-
лаҳат берди. Бу унга ҳам маъ-
қул тушди. Кўп ўтмай оиласи-
ни кўчириб келди. Бу гавжум
шаҳарда Болтабой осонгина
иш ҳам топиб олди. Китоб-
дорлик билан шуғулланди.
Омади юришиб салдан кей-
ноқ давлатманд бўлди. Ма-
риди билан Ҳаж сафарига
бўлиб қайтди. Аёли фарзанд-
лар тарбияси билан банд бўл-
ди. Улар оталарига тортиб
меҳнаткаш ва иқтидорли бў-
либ улғайишди.

Қаерда бўлмасин инсон бо-
ласининг юраги киндик қони
томган жойга тортиб туради.
Болтабой уларнинг эллик ик-
ки йилини мусофирликда ўт-
казди. Аммо хоҳ аянчли, хоҳ
қувончли дамларда бўлсин
она-Ватани, эл-юрти жона-
жон қишлоғи, ота-онаси со-
ғинчи билан яшади.

...Утган йил кеч куз кун-
ларидан бирида Янгиқўрғон-
нинг тоғолди қишлоқларидан
бирига қадди-қомати адл бир
мўйсафид кириб келди.
Эшитган-билган борки, уша
отахон кириб келган хон
донга ошиқди. Кутилмаб,
меҳмон кўзида жикқа ёш би-
лан ҳар бир кишини бағрига
босиб, ўзида йўқ ҳаяжон ва
шоуд хуррамлик билан кутиб
оларди. Бу айни навқирон
ийгитлик чоғида шу ердан ас-
карликка отланган, минг бир
ўлимларни энгиб, ширин ка-
ломи, оҳанрабо тиловати
туфайли ўзга юртларда ҳам
этибор қозониб, она қишло-
ғига қадам ранжида қилишга
мушарраф бўлган ўша Болта-
бой ҳожи эди. Уни шунча йил-
лар синовларидан омон-эсон
олиб ўтган ўзининг айти-
бўйича Ватан муҳаббати,
она юрти соғинчи эди.

Собир ТУРҲУНОВ

ҲОДИСА

• ПОЧЧАСИНИ •
ТУНАГАН ҚАЙНИ


Йўғ-е, қайни ҳам поччаси-
ни тунарканми, келиб-келиб
жианлари ҳаққида хиёнат қи-
ларканми, деб ўйларсиз?
Шундай воқеалар бўлиб ту-
раркан.

Шу йилнинг 30 июнига
ўтар кечаси Жейнов қишло-
ғида истиқомат қилувчи фу-
қаро Тоштемир Арабов хона-
донига ўғри тушди. Тунги қа-
роқчилар турли хилдаги 10
дона ароқ, 9 дона шампун
(соч ювгич) «вестон» эркак-
лар кўйлағи, 2 дона қора
рангли аёллар туфласи, бир
дона япон рўмол, 30 метрли
газлама, 15 дона лампочка ва
10000 сўм пулни олиб жуф-
такни ростлаб қолишди. Ана
шу ўмарилган матоҳларни
пулга чақса нақ 150 минг
сўма етади.

Бу ҳодиса бўйича Усмон

Юсупов тумани ички ишлар
бўлими бошлиғининг муовини,
милиция капитани Умар
Чориев бошчилигидаги бир
гурӯх изқувлар иш бош-
лашди. Уғри қармоққа илин-
ди. У Маълум бўлишича,
жабрдийда Тоштемир Ара-
бовнинг қайниси экан. Унинг
уйида тинтув ўтказилганда
юқорида келтирилган нарсалар
ашёвий далил сифатида
топилди. Ҳозир жианлари-
нинг ҳақини ўмариб емоқчи
бўлган тоға устидан жиноий
иш қўзғатилди, тергов ишла-
ри олиб борилмоқда.

Н. ХОЛТУРАЕВ,
Усмон Юсупов туман ички
ишлар бўлими
ходими



ЯШАШНИ БИЛГАН ҚАРИЯЛАР

Абдул Ғани ЖУМА сурати

Куни кеча ролпа-роса 14 йил тўлиди — миллионлаб футбол ишқибозларини адои кўринмайдиган хўрсиниқлар, илдои асрларга туташган дардли кечаларнинг ҳазонлиг дунёсига ташлаб кетган сеvimли командамиз «ПАХТАКОР»нинг 17 марду-майдон эркаги осмонларда куйиб жон тошширганга. Ушанда 1979 йилнинг 11 августи эди. Бевақт келган ажалнинг нафаси бунчалар совуқ, кўр кўзлари бунчалар оч бўлмаганда эҳтимол ҳар йили 11 августи командамизнинг Минск «Динамо»си устида қозонган йирик галабаси байрами сифатида нишонларимдик... Тангри бешарфат ўлимга «Хайт!» деганда борми, «ПАХТАКОР»нинг энг арзанда ўғли Сирожиддинжоннинг асосий таркибда олий лига майдонига биринчи бор тушиши ҳам ўлка эҳтиросу ҳажжонлар билан 11 августнинг пешонасига — бизнинг юрак-юрақларимизга жавоҳир ҳарфлар ила ёзилиб қоларди...

Агар тирик бўлганда ҳозир Аширов 38, Агшев 34, Бозоров 33, Баканов 39, Эшбўтаев 34, Корченко 44, Загуменних 47, Куликов 40, Покатилов 43, Собиров 35, Макаров 46, Федоров 48, Виктор Чуркин билан Михаил Ан 41 ёшга тўлган бўлишарди. Афсуски, ёруғ ҳаётни тангри уларга кўпам раво кўрмаган экан.

1

Марҳум футболчиларимизнинг номларини хотирлаш мақсадида ўтган куни ишхонамдан чиқиб тўпга-тўғри «ПАХТАКОР»нинг энг кадрдон ошнаси бўлиб қолган шарҳловчи Ахбор Имомхўжаевнинг олдига бордим. Ҳар галсидек сўрашув, беминнат мулозимат. Шартта мақсадга ўтдим: «Ахбор ака, марҳум футболчиларимиз ҳақида бирорта қизиқ воқеадан айтиб беринг, газетага ёзаман. ишқибозлар сеvimли футболчилари ҳаётдан, эшитмаган нарсаларни ҳам билиб олсин». Устози-олам, қийналиб-қийналиб гап бошлади:

— Битта одатим бор — ҳар йили 1 сентябрда эрталабдан ўзим ўқиган мактабга бориб ўқитувчиларимнинг ҳаммасини янги ўқув йили билан табриқлаб қайтаман. Сеvimли командамиз ҳалок бўлган ўша — 1979 йилнинг сентябрида ҳам мактабимга кирдим, топганларимнинг барчасини табриқладим. Аммо тарих ўқитувчимиз Осие Шариповани учратмадим. Кўча-кўча айланиб ҳозирги «Халқлар дўстлиги» саройи яқинидаги «Узгар» маҳалласига етганимда ҳалиги тарих ўқитувчимизга кўзим тушди. Тахминан 25—30 қадамлар нарида худди ёш гўдакдек хўнграб йиғлаб келаяпти. Азои-танам жимирлаб кетди. Нима бўлганига ҳечам тушунолмаймаман. У киши эса яқин келиб бўйнимга осилганча елкалари учиб йиғини бас қилолмаиди. Атрофимиздан ўтаётганлар бизга ҳайрон. Хуллас, бироз ўзини босиб олгач, Осие опа ичидагини айтди: «Ахборжон, мен дам олишга кетганда «ПАХТАКОР»нинг ҳам ўлдириб қуйибсанку, айланай. Хайрият, ўзинг тирик экансан, мен сени ҳам уларга қўшилиб куйиб кетган бўлса керак деб ўйлагандим. Энди нима бўлади?...» Уқитувчим йиғидан тўхтадио, меники бошланди денг. Шу ерда иккаламиз анча кўз ёш қилдик. Бир-биримизга дардимизни айтиб бироз бўлсада юрак ёзиб олдик...

Қаранг, ҳаттоки аёлларимиз, онажонларимиз ҳам футболимизга нисбатан бефарқ бўлмаган экан у пайтлар. Уйингоҳларга келмасида, радио, телевизорда кўрмасида уларнинг ҳаммаси қандайдир кўринмас меҳр ришталари билан «ПАХТАКОР»га боғланиб қолган экан. Биз бундай олийжанобликни сезмасканмиз.

2

— Аниқ вақти эсимда йўқ. Тахминан 1975—1977 йиллар бўлса керак, «Пахтакор» марказий советида ишлайман. Бир куни муҳим иш юзасидан Республика спорт қўмитасига боришимга тўғри келди. Клуб билан қўмита орасидаги масофа яқин бўлган-

лиги учун пиёда кета бошладим. 45-50 қадам юргандим шекилли ёнимга яп-янги, ҳатто ўриндиқларидаги қоғозлари ҳам олинмаган «ГАЗ-24» келиб тўхтади. Хайдовчи эшикни очиб «Утиринг, Ахбор ака обориб қўяман, — деди. Не кўз билан кўрайки, у ўзимизнинг Олим Аширов эди. Бироз тортиндим. Йигит тушмагур барибир қўймади, хафа бўлмаман деб туриб олди. Енидаги ўриндиққа ўтирдим. Узимча дуои-фотиҳа қилиб табриқлаб қўйдим. Манзилга етиб келгач, спорт қўмита биноси олдига анча суҳбатлашдик. Гап орасида унга биринчи йўловчи бўлганимга шаъма қилиб, машинага бирор ишим чиқиб қолса бемалол, тортинмасдан илтимос қилаверишимни ҳам қистириб ўтди: «Менга жуда катта ёрдамнингиз теккан, Ахбор ака. Уй олишимда ҳам бошдан-оёқ ёнимда бўлдингиз. Мана миллионлаб футбол ишқибозларининг қўллаб-қувватлаши билан ҳалол ишлаб, тер тўкиб машина ҳам олдим. Энди сизлар учун мен хизмат қиладиган даврлар келди. Худо хоҳласа бундан буён ҳам ака-укачилигимиз худди илгаридек давом этаверади. Мен рақибларимнинг дарвозасига тўхтовсиз тўп киритаверайин, сиз радио ва телевизорда тинимсиз мақтайверинг», дея ҳазиллашиб, хайрхушлашди. Раҳматли анча бақувват, кўнгли кенг йигитлардан эди. Узи айтганидек хизматларини қилолмасдан кетди. 1978 йилда СССР Олимпия терма командаси сафига қабул

ган эканда. Ёки тангри болагинамнинг кўнглига ажалдан дарак солганмикан! Хуллас, биз билан бирга овқатланди, коньяк очиб, ичди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганлиги учун мен унга.

— Мансуржон, бўлар энди, жоним. Уйингга бор, хотининг, бола-чақаларинг кутиб қолмасин, эртага кетишигдан олдин ҳовлимизга бир кириб ўтарсан, деганими биламан: — Онажон, сиз мени уйингиздан ҳайдаясизми? Жўна демасангиз ҳам кетаман. Мана олинг, машинамни ҳам сизларга қолдираман, дея калитни дастурхон



шўрликнинг юрагига оғир ботган экан. Мени азоблаш, ўта ёндириш учун машинасига қўшиб уйини, бола-чақасини ҳатто тириклар дунёсини ҳам ташлаб кетди. Шу гапимдан ҳалигача куйнаман, ҳалигача ўзимни-ўзим қарғайман. Балки шу куни Мансуржонимни олдимда олиб қолганимда бу куйларга тушмаган бўларимдик!

Мени азоблаш, ўта ёндириш учун машинасига қўшиб уйини, бола-чақасини ҳатто тириклар дунёсини ҳам ташлаб кетди. Шу гапимдан ҳалигача куйнаман, ҳалигача ўзимни-ўзим қарғайман. Балки шу куни Мансуржонимни олдимда олиб қолганимда бу куйларга тушмаган бўларимдик! Рихсixon онага қўшилиб мен ҳам, ёнимдаги ҳамроҳим «Спорт» газетининг мухбири Равшан Муулмонов ҳам йиғлаганди ўшанда. Айниқса ўғлидан қолган сўнги ёдгорлик — охиригача ичилган коньякни кўрсатганида ўзимни бутунлай йиғининг қучоғига тоқшириб қўйгандим. Рихсixon момо раҳматли Мансур акадан қолган ичимликни 13 йилдан буён сақлаб келаётган экан. Мана сизга онанинг кўнгли, муҳаббати. Шунча вақтдан буён сақланиб келаётган ишдаги оғу она учун бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам устун эди, албатта. Онахон билан хайрлашиб, ишхонага қайтдим. Равшан мақолани «Спортга» чиқарди. Мен ушбу мавзуну «Оила ва жамият»га ёзаман деб мақсад қилиб қўйгандим. Вақт ўтаверди, онахонга «Тез кўнлар ичида ёзиб бераман» дея ваъда берган бўлсам-да, денгасалгим тутиб ёза олмадим. Шу йилнинг баҳорда тахриригимизга Рихсixon момонинг оламдан ўтганлиги тўғрисида хабар келди. Шундагина билим мен, мақолани вақтида ёзмадсан онажонни куттиравериб, қанчалик қийнаганими. Мана бугун ёзяман. Бирок

ЎН ЕТТИ ОЧУННИНГ ОНАСИ

қилинганди. Пешонаси шўр экан, 1980 йилги Москва олимпиадасида қатнашиш унга насиб қилмади.

устига ташлаб ҳовлимизда сўнги бор йиғлаб олганди...

Қайси бир она ўз фарзандини уйдан қувади, мен болажонимга сираям ундай деёлмасдим. Уша насихатим

бун «Пахтакор»нинг онаси — марҳум Рихсixon момо ўқийлмайдиган барибир...

Нормурод МУСОМОВ

3

Имомхўжаевнинг ҳикояси шу билан тугамайди, албатта. Булардан бошқа яна юзлаб, минглаб воқеалар ҳусусида суҳбатлашганимиз рост. Қолганларини марҳум «Пахтакор»чиларимизнинг 15,20, 50 йиллик хотира кўнлариде эслашаварамиз. Ахбор ака шунақа одамки, 1960, 1970, 1980-йилларнинг футболдан бизга ягона эсдалик. У кишининг ҳикоялари эса тарихимиз силсиласидан қолган турли ёдгорликлардир.

Олий лига, СССР 42-чемпионати, 1979 йил 11 августгача бўлган вазият.

тўплар нисбати	очко		
«Шахтёр»	29—9	29	«Аралат» 20—16 18
«Динамо» ТБ	29—10	29	«МАСК» 23—22 15
«Динамо» К	23—10	26	«Локомотив» 22—21 15
«Спартак» М	25—13	26	«Черноморец» 12—17 14
«Динамо» М	21—12	24	«Кайрат» 19—29 13
«Зенит»	24—24	20	«Тарпедо» 15—23 13
«Динамо» Мн	21—16	20	«Крилья Советов» 12—29 12
«ПАХТАКОР»	23—26	18	«Зарья» 20—30 12
			«АСК» 17—32 12
			«Нефтчи» 9—25 10

4

Марҳум «Пахтакор»чи, раҳматли Мансур ака Толибжоновнинг онаси Рихсixon момони мен дабдурустан барча футболчиларимизнинг онаси бўлади дея атардим. Чунки Мансур ака команда мураббийларидан эди-де. Бас шундай экан, Рихсixon момо ўз ўғлининг шогирдларига ҳам оналик қила олиши шак-шубҳасиз эди. Утган йилнинг ёзида ушбу онахонни ўғли ҳақида суриштиравериб, роса йиғлатган эдим. Уша суҳбатлашувимиз хизмат юзасидан бўлгани учун ҳам юзлари дарддан буришиб, сочлари оқариб-тўкилиб, кўзлари нурсизланиб, қомати мункайиб қолган бу муқаддас аёлнинг қаршисида дийдамни тош қилиб ўтиравердим. У кишининг қуйидаги ҳикоясидан нафақат дийдам, балки жуссам тош бўлганда ҳам «тарсиллаб» ёрилиб кетарди:

«Мансуржон Минск шаҳрига сафарга жўншадан бир кун олдин кечаси ўнг кўлининг ўрта бармоғида машинасининг калитини шақир-шукур айлантирганча дарвозадан кириб келди. Улими олдидан онам, ука-сингилларим олдидан бир марта ўтай деб ўйла-



Суратда: пастки қаторда чапдан: ФЕДОРОВ, ТОЛИБЖОНОВ, Волков, Исоқов, Бойматов, БАКАНОВ, ЭШБЎТАЕВ, Басов, Новиков. Уртада: Чумаков, ТАЗИТ-ДЕНОВ, МАКАРОВ, Качетков, Магиллий, КУЛИКОВ, СОБИРОВ, АГИШЕВ, Роман. Орқада: Буров, Иванов, Мусаев, ПОКАТЕЛОВ, КАРЧЕНОВ, АШИРОВ, Яновский, Убайдуллаев, Денисов, ЧУРКИН.



...Уша фаришта янглиг майин чехрангиз ҳамон кўз ўнгимда. Ҳаё-ибога ўранган сувратингиз ҳануз тасаввуримда. Негадир, сизни тез-тез кўргим келади. Шунда «Утган кунлар»ни варақлайман. Сизни излайман. Қайта-қайта ўқийман. Сизни кўрмоққа орзиқиб кетаман. Демак, сизни кўришим керак...

Дарвоқе, муҳлис сиз ҳам уни яхши танийсиз. Очиғи, севарсиз, соғинарсиз. Бизга Кумушбибиини жонлатган, «Гирдоб»да вафосиз ёр бўлиб газабимизни кўзгатган санъаткор ҳаётига, ўзига сиз ҳам қизиқасиз.

Гулчехрахоним бахтли аёл. Икки фарзанди, ажойиб тушунган турмуш ўртоғи бор. Унга табиат наинки истеъдод, балки гўзаллик, аёлларга хос оқиллик ато этган. Аммо санъаткорнинг танилишида ҳам ўзига хос мураккаб, енгил-оғир босиб ўтган ижод йўли борки, у ҳақда, келинг, яхшидан Гулчехра Жамилованинг ўзларидан эшитайлик, дардлашайлик:

1967 йилда таниқли ёзувчимиз Чингиз Айтматовнинг «Сарвжомат дилбарим» спектакли билан Москвада бўлиб ўтган Театралний институт конкурсида қатнашиб шу спектаклда Асал ролини ўйнаганидан ва «Энг яхши аёл роли учун» мукофоти билан тақдирландим. Кичкинагина, лекин менинг учун азиз унутилмас бўлган мана шу йилларда санъат оламига кириб келдим.

«УЯТИМДАН КЎЗЛАРИМНИ ОЧОЛМАЙМАН».

1968 йил. Институтни битираётган паллалар. Киностудиядан бир гуруҳ кишилар келиб эндигина суратга олинаётган «Утган кунлар» филмидаги Кумуш ролини ўйнашни менга таклиф қилиб қолишди. Роса иккаландим. Буни устига биз фарзанд кутаётгандик. Мен замонавий шаҳарда туғилиб ўсган қиз, қандай қилиб ўтмишдаги аёл ролини гавдалантираман деб чўчирдим. Сочимни ўстиришим, қошни термаслигим керак. Охири минг хил ўйлар билан асарни мутулаа қилиб чиқдим. Ва тез орада ўзим ҳам асарни яхши кўриб, қизиқиб кетдим. Бу орада съёмкалар бошланди. Гоҳ киностудия, гоҳ имтиҳонлар, яна «Бой ила хизматчи» асари устида театрда Тошхўжа Хўжаев иш бошлагандилар.

Мана «Утган кунлар» филмининг яратилганига 25 йил бўлган бўлса-да, одамлар уни яхши кўради. Кимдир йиғлайди, яна кимдир...

Кумуш — менинг энг совимли қаҳрамоним. Съёмкалар қизгин олинаётган пайтда фарзандимиз Асалхон туғилди. Баҳоли қудрат, қизиққанимдан 15 кунлик чақалоқни оймга ташлаб

съёмкаларга қатнаганман. Ҳали-ҳали мана шу сўзлар ёдимдан ҳеч кўтарилмайди: «Уятимдан кўзларимни очолмайман, Сизга азиз ёр, менга уятсизликнинг қурбони бўлиш муборак! Кумуш эмас, Тупроқбиби ёдим». Кумушда севги-муҳаббатни эъзозлаш ниҳоятда кучли. Қаранг, у хон ҳузурига Отабекни ҳимоя қилиб бориш даражасигача боради. Демокчи-манки, ана шундай юракни зиркиратдиган ҳам маънавий, ҳам тарбиявий аҳамиятга эга асарларга ҳозирги кунда киностудия, театрларимиз жуда муҳтож. Тополмагандан айланибми-ўргилибми, тарихга ёпишамиз. Ахир, санъат халқдан олдинда юриб, доимо эзулик сари етаклаган-ку. «Утган кунлар» бебаҳо асар... Кумушни вужуд-вужудим билан бери-

— Кинода кейинги йилларда кўп кўринмай қолдингиз!

— Кино бу тасодифий ҳодиса. Сўнги кунларда «Бахтим менинг», «Кувё» фильмида қатнашдим. Дубляж, театр. Душанба дам олиш кунларимизни ҳам нималаргадир мўлжаллаб тураимиз. Вақт бўлса барчасига улгурсанг қани? Таклиф этишади, имкониятимиз бўлмай қолди.

Ижодимнинг, ҳаётимнинг энг қайноқ даври «Ҳамза» театрида ўтди. Ҳаммага маълум, бу орада «Ҳамза»да ҳар хил гаплар бўлди. 4 йил «Еш гвардия» театрида ижод этдим. Уч-тўрт ролларни айтмасам, мен бу тўрт йил ўтган умримдан қониқмадим. Сабаби, кўнглимга яраша ижод қилолдим. Театрдан кетиш олдида «Тақ-

на, кечкурунлари ишдан сўнг гоҳ эртароқ, гоҳ кечроқ оилавий дастурхон атрофида йиғилишиб, гурунглашиб ўтираимиз. Пишириқлар пиширишни, уй ишларига қарашишни, бадий китоблар ўқишни ёқтираман. Кўп нарсаларни уйқуни эвазига қиламан. Абдумавлон акангиз айтганларидек, мен савзаман, 3-4 соат ухлайман.

— Хўжайинингиз раққ қилмайдиларини!

— Аввало, раққ учун сабаб бўлиши керак. Мен ота-онамдан доимо миннатдорман. Улар бизни оддийликка, камтарликка, покликка ундаганлар.

— Биласизми, Гулчехра опа, ўша фаришадек чехрангиз — Кумуш ролидаги сиймонгиз бот-бот эсимга ту-

КУМУШБИБИ, СИЗНИ СОҒИНДИМ...

либ ўйнаганман. Ҳозир ўйна деса яна ўйнагим келади. Лекин афсус... табиат олдида ҳаммамиз ожиз, ёш ўтаяпти...

— Гулчехра опа, мени бир нарсани ажаблантиради. Кумуш фарзандли бўлади. Кинода эса... Ҳар ҳолда Кумушдан ёдгор қолганим... овунардидик!

— Мен ҳам шуни истаганим. Яна икки аёлдан авлод қолмагани ҳам фожа. Фильмни тасвирини ортирган.

— Отабегингизни ҳали ҳам эслаб турасизми!

— Албатта. Улмас ака билан биз доимо самимий ижодий муносабатдамиз. Ундан кейин ҳам кўп киноларда қатнашдик.

— Севиб қолмаганимиз!

— Йўқ. Олдинроқ ҳаётда севиб-свилганман ва ҳозир ҳам... Уларнинг ҳам кенжа қизларининг исми Асал. Шу сабаб кўплар адаштириб юришади.

АРМОНЛАРИМ БОР МЕНИНГ

Мен санъаткорликдан ташқари шифокорликка ҳам жуда қизиқардим. Чунки иккала касб ҳам ўта фидойиликни талаб қилади. Худога шукр қизларимиз бу орзуимни рўёбга чиқаришди. Каттам Асал, кичигим Навалхон ҳам шифокор. Санъатга ҳам қизиқшади. Яқинда суратга олинган «Кетма» филмида қизим Асал бош ролда, мен онаси бўлиб қатнашдим. Филм яқинда фестивал совриндори ҳам бўлди.

Қаранг, ана-мана дегунча 48 йил ўтибди. Шунинг 30 йилдан кўпроғи саҳнада. Артистларнинг эса саҳнада умри жуда қисқа бўлади. Уйнаган сари яна ўйнагани келаверади, кексайиб қолган чоғида ҳам саҳнани тарк этгиси келмайди. Ажойиб, катта артистлар билан бир саҳнада ишлаб, улاردан кўп нарсани ўргандим. Ҳозир ундай санъаткорлар жуда кам қолди.

Табиатим қизиқ. Эътиборим тушган ҳар бир инсонни устоз деб биламан. Чунки яхши фазилат, яхши нарсаларни оз-оздан бўлса-да, ана шу одамлардан оласиз, ўрганасиз. Тўғрими?

дир эшиги» спектаклида қатнашаётгандим. Чала қолиб кетди. Тўрт йилдан сўнг қайтдик. Ҳозир ҳаммаси яхши. Озми-кўпми, хизматларимни инobatга олиб, минг шукрки, халққа ёққан эканман «Ўзбекистон халқ артисти» деган унвонга тавсия этишди. Кўплаб спектаклларда рол ўйнадим. Ҳали қиладиган ишларим, хизматларим кўп.

МЕН САЪВАМАН

Тўғриси, оиланг тинч бўлса, сени тушунадиган ёнингда бир умрлик ҳамроҳинг бўлса ҳар қандай оғирлик, кийинчиликларни енгиб ўтарсан. Хўжайиним Абдумавлон акангиз ҳам санъаткор. Ҳозир сатира театрида директор бўлиб ишлайдилар. Иккита фарзандимиз бор. Болаларга мен ҳам она, ҳам дўстман. Бир-биримизни жуда яхши тушунаимиз.

— Сафарлар, иш билан бўлиб оилавий ташвишларга улгурасизми!

— Бўш вақтларим кўп бўлади. Ма-

шаверади. Бошқа бировни ўрнингизга қўя олмайман ҳам. Ўзбек қизи назокати, ҳаёси шу ролингизда мумасам. Лекин ижро бошқа, турич-турмуш бошқа. Бугун кўрнингиз баарибир овруполиқларга ўхшаб кетади. Уша бизни тўлқинлантирган ўзбекона ҳолатингизга ҳаётда энди ҳеч қайтингиз келмайдими!

— Қайтгим келади. Миллий либосларимизни ёқтираман. Саҳнада қиядиган кийимларимнинг камчилиқларини ўзим тўғрайлайман. Табиатим жуз да нозик. Демокчиманки, ҳар қандай шароитда аёл — аёл бўлиб қолса, қалбан гўзал бўлса, унинг либоси, туриши, кийими ҳам чиройли ярашилми бўлади.

— Аёлларимизга айтадиган тилақларингиз борми!

— Аёлларимизнинг қадрига етадиган тушунадиган эрлар бўлсин. Доимо севили бўлишсин.

— Самимий сўхбатингиз учун ташаккур, ижодингизга барака, доимо шундай гўзал, ҳассос бўлиб юринг. Сиз ҳам.

ДИЛБАР Сўхбатлашди



Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон
 ҒАБУЛОВ, Фарход РУЗИЕВ, Муҳаббат ИБОВА,
 Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир
 ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОВЕВ, Абсалом
 УСАНОВ, Урол УЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Аб-
 думуталлиб РИЗОҚУЛОВ, Меили ИУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўжалиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси,
 Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Намойишлар хибони, 1-бино.
 Телефон: 39-43-95.

Нормурод МУСОМОВ

набатчилик қилди

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33.
 Буюртма № Г-452. 23.389 нусхада чоп этилди.
 Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми,
 2 босма табак.